

**Наврӯз дехкон бозори» АЖ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИФИЛИШ  
БАЁНИ**

2020 йил 25 июнъ

соат 11 -<sup>оо</sup>

*Овоз берувчи акциялар сони: 650 000 дона эгасини номи ёзилган нақтсиз.*

Акциядорларнинг 2020 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шахар Мирзо Улугбек тумани Темур Малик кучаси З а уй манзилида, «GRADIENT»МЧЖ маъмурий биносида 2021 йил 25 июнъ куни ўтказилди. Йиғилишда 625 625 овозга эга 4 та акциядор қатнашди, бу жами овоз берувчи акциядорларнинг 96,25 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш хуқуқига эга.

Йиғилишда қатнашганлар:

С.Саидазимов- «GRADIENT»МЧЖ директори.

М.И.Исламов - “Наврӯз дехкон бозори” АЖ директори .

О.У.Мустаев - “Наврӯз дехкон бозори” АЖ директор маслаҳатчиси.

Ж.М.Расулов - GRADIENT»МЧЖ кимматли қоғозлар бўйича мутахассис.

Х.Ж.Олимов - “Наврӯз дехкон бозори” АЖ бош бухгалтери.

Д.Шоназаров - “Наврӯз дехкон бозори” АЖ кимматли қоғозлар бўйича мутахассис.

Бошка тегишли мутассадди ходимлар, жаъми акциядор 4 та акциядор, 625 625 овоз билан қатнашиб, йиғилиш ўтказиш учун кворум 96,25 % ни ташкил этди.

Реестр бўйича акциядорлар 650 000 овоз.

Тошкент шахар Хокимиятига тегишли акцияларнинг ишончли вакили, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКнинг ишончномаси асосида «GRADIENT»МЧЖ директори С.С.Саидазимов қатнашмоқда.

Йиғилишда раисликни С.С.Саидазимов олиб борди.

С.С.Саидазимов йиғилиш ўтказиш учун кворум 96,25 % бўлганлигини маълум килди ва йиғилишни очиш учун овозга кўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, Д.Рахматова номзоди таклиф этилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан кабул килинди.

Шунингдек С.С.Саидазимов Кузатув кенгаши томонидан Д.Шоназаров, С.Абдужамилова ва С.Бердиеваларни йиғилиш саноқ комиссияси номзодлигига таклиф этилганини билдириб, овозга кўйди.

Саноқ комиссияси юқоридаги таркибда бир овоздан қабул килинди.

Йиғилиш . раиси умумий йиғилиш кун тартибида куйидаги масалалар киритилганлигини маълум килди:

1. Жамият изжроия органи ва Кузатув кенгашининг йиллик хисоботини, жамиятни ривожлантириши стратегиясига эришии бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботини эшиштиши;
2. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича ташқи аудиторлик текшируви хulosасини куриб чикиши;
3. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича тафтии хulosасини куриб чикиши;
4. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича йиллик хисоботини тасдиқлаши;
5. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича фойда ва зарарлари хисоб варагини тасдиқлаши, унинг соғ фойдасини тақсимлаши;
6. Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган “Бизнес режаси”ни ҳамда “даромадлар ва харажатлар сметаси”ни тасдиқлаши;

7. Жамият директорининг меҳнат шартномаси муддатини узайтириши хақида;
8. Жамият Кузатув кенгашини сайлаш;
9. Жамият Тафтиши хайъатини сайлаш;
10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаши натижаларини кўриб чиқши;
11. Жамиятда эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
12. Жамиятда 2021 йил учун мажбурий аудиторлик текширувни ўтказиши учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиши тўғрисида қарор қабул қилиши;
13. Жамиятнинг уставини янги таҳтирида тасдиқлаш.

Йиғилиш раиси кун тартибидаги масалаларни мухокама этиш учун овозга кўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилиш катнашчилари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан регламент куйидагича бўлиши хақида келишиб олинди.

Биринчи масалага 5 минут, колган масалаларга 3 минут, мухокамада сўзга чикувчилар учун 3 минутдан вакт берилиши келишиб олинди.

Саңок комиссияси томонидан йиғилиш мухокамасига куйилган масалалар юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши хақида тушунча берилди.

**Мажлис раиси** кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан сўзни жамият директори в.б. М.С.Исламовга берди.

М.С.Исламов сўзга чиқиб, «Наврўз дехкон бозори» АЖ нинг 2020 йил молиявий–хўжалик фаолияти якуни бўйича куйидагиларни маълум килди:

«Наврўз дехкон бозори» АЖнинг молиявий хўжалик фаолиятини 2020 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва жамиятнинг 2020 йилги даромадлар ва харажатлар сметасининг 12 ойлик якунлари бўйича жамият режалаштирган даромадлар қисмининг қўйдаги жадвал бўйча амалга оширилди:

Шундан;

Даромадлар	режа	амалда	фарки
Жой хақи	2 506 200	3 133 929	+ 627 729
Хизмат хақи	1 187 256	1 139 956	- 47 300
Автотухташ даромади	549 440	591 955	+ 42 515
Ижара хақи	1 454 708	1 351 303	- 103 405
Инфратузилма	217 488	209 447	- 8 041
Бошқа даромадлар	294 852	9 971 930	+ 9 677 078
<b>Жами даромадлар</b>	<b>5 660 504</b>	<b>15 806 565</b>	<b>+ 10 146 061</b>

Жамиятнинг 2020 йил давомида қабул қилинган соф фойда режаси 909 306 минг сўм, амалда 7 154 095 минг сўм фойда билан якунлаган.

2020 йилга режалаштирилган харажатлар миқдори.

Жумладан

№		режа	амалда	фарки
1.	Иш хақи	1 530 000	1 618 672	+ 88 672
2.	12% ижтимоий солик	183 600	194 239	+ 10 639
3.	Сув ва канализация	28 272	96 414	+ 68 142
4.	Электр қуввати	370 500	462 017	+ 91 517
5.	Асосий восита эскириши	723 000	723 000	0
6.	Муниципал мелиция ходим	99 370	115 932	+ 16 562
7.	Махсустранс	168 000	124 629	- 43 371
8.	Телефон телеграф	3 000	3 759	+ 759
9.	Банк фоизи хизмати	15 600	2 506	- 13 094
10.	Бошқа харажатлар	222 000	917 868	+ 695 868

Сабаб;

Иш хақи -88 672 (иш хақкини кўтарилиши, меҳнат таътиллари ва ишдан бўшаганларга компенсация тўланиши хисобига)

12% тўловлар -10 639 (иш хақи ошиши хисобига)

Электр қуввати 91 517 (худудда қурилиш ишлари олиб боригани ва йил давомида тўлов ставка ошиши хисобига)

Жамиятнинг 2021 йил 1 январ холатига дебиторлик карздорлик 1 664 725,5 минг сўмни ташкил этиб, муддати утганлари 835 441,5 сумни ташкил этади..

Жамиятнинг 2021 йил 1 январ холатига кредиторлик карздорлик 2 775 527 ,0 минг сўмни ташкил этади.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни аудиторлик ташкилоти ходими маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият бош хисобчиси Х.Олимов сўзга чиқди:

- Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан « AUDIT VARN » МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 2020 йил молиявий – хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви хақконий, конунчиликка асосан ўтказилганлигини айтиб, жамият аудитори томонидан ижобий хулоса берилганлигини айтиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **учинчи масала** бўйича, қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Д.Шоназаров тафтиш комиссияси хуносасини ўқиб эшитирди.

Тафтиш комиссия аъзоларининг фикрича ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган қайд этилган вазиятларнинг мухимлилиги натижасида «Наврўз дехқон бозори» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 31 декабр холатидаги молиявий хисботи барча мухимлилик жихатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий холатини хақконийлигини акс эттиришини тўғрисида тафтиш комиссияси хулоса берганлиги тўғрисидаги хуносани ўқиб эшитирди.

Тафтиш хайъати томонидан амалга оширилган тафтишда ташки аудитор “AUDIT - VARN” аудиторлик ташкилотининг 2021 йил 30 апрелдаги хуносасига асосланиб, тафтиш хайъати жамият йиллик бухгалтерлик хисботида қайд этилган маълумотлар тўғрилигини тасдиқлаш учун етарли асосларга эга.

Тафтишга асосан 2020 йил якуни бўйича “Наврўз дехқон бозори” АЖда афилланган шахслар билан, шунингдек бошқа шахслар билан йирик (яъни мол мулк олиш ёки сотиш билан боғлиқ) битимлар тузилмаган.

**“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунинг 54 моддасида, Агар дивиденклар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивиденкларни тўлаши натижасида пайдо бўлса Жамият акцияларига дивиденд эълон қилишига хақли эмаслиги кўrsatilgan.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 30 апрелдаги 79-сонли мажлис баёнига асосан 2020 йилда олинган соф фойданинг 75 фоизи дивидендга йўналтирилса жамиятда **банкротлик белгилари вужудга келиши мумкин**.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош бухгалтери Х.Олимовга сўз берди.

Жамиятни 2020 йил молиявий – хўжалик хисоботи (баланс) бўйича тўлиқ танишириб ўтди.

(«Наврўз дехқон бозори» АЖнинг 2021 йил 1 январ холатига бухгалтерия баланси насхаси илова қилинади)

Мажлис раиси ушбу масала бўйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи** масала юзасидан, жамият бош бухгалтери Х.Олимов сўзга чикиб, жамиятни 2020 йил якуни бўйича фойда ва заарлари хисоб варагини тасдиқлаш, унинг соф фойдасини таксимлаш хақида қўйидагиларни маълум қилди.

Жамиятнинг бухгалтерия хужжатларида жамият 2020 йилни 7 154 094 436 сўм соф фойда билан якунлаганлиги кўрсатилган, бундан жамиятнинг асосий фаолиятидан 68 166 171 сўм микдорида соф фойда олинган, колган соф фойда бир марталик соф фойда хисобланади.

Яъни, жамиятнинг бўш турган худудидан унумли фойдаланиш мақсадида “Ширин” филиали худудида ижара хукукини сотилиши хисобига маблағлаштирилган 138 та савдо ва хизмат кўрсатиш дуконларини куриш ишлари олиб борилиши натижасида жамиятга кушимча равища 9 975 549 047 сўм маблағ йифилган. Жамият молиявий хисоботи бўйича 2020 йилдаги соф фойда 7 154 094 436 сўмни ташкил этиб, ушбу маблағнинг 7 085 928 266 сўми янги савдо дўконлари ижара хукуки сотувидан тушган маблағлар хисобидан вужудга келган булиб ушбу маблағларга савдо дўконлари қурилиши натижасида жамиятнинг бухгалтерия балансида соф фойда кўрсаткичларини ошишига олиб келди. **Бу соф фойда кўрсаткичлари аслида мулк кўринишида бўлиб, ушбу соф фойдани “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 18-моддаси, 7-8 хатбоши талабларидан келиб чиқиб, жамият акциядорларига қўшимча акциялари чиқариб расмийлаштириб бериш кўзда тутилган эди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 30 апрелдаги 79-сонли мажлис баёнига асосан 2020 йилда олинган соф фойданинг 75 фоизи дивидендга йўналтирилиши кузда тутилган.

Бундан ташқари, жамиятда давлат улушкини ишончли бошқарувга бериш шартномасида давлат улушкини ишончли бошқарувчиси томонидан жалб этилган барча маблағлар қайтарилганидан сўнг, даромад (соф фойда) таксимланиши, бунда фойданинг 25% қисми ишончли бошқарувчига мукофот тарикасида берилиши белгилаб қўйилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 54 моддасида, *Агар дивиденлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивиденларни тўлаш натижасида пайдо бўлса Жамият акцияларига дивиденд эълон қилишига хақли эмаслиги кўрсатилган.*

Жамиятда дивиденд маблағалри тўланиши натижасида банкротлик белгилари вужудга келиши тўғрисида “AUDIT - HISOB MARKAZI” аудиторлик ташкилоти хулосаси олинганлигини билдириди.

**4.** Мажлис раиси курилаётган масала бўйича, Жамият томонидан 2020 йилда олган 7 154 095 минг сумлик соф фойдасини янги савдо дўконлари ижара хукуки сотувидан тушган маблағлар хисобидан 7 085 928 266 сўмлик мулк куринишдаги маблагларига капитализация килиш йули билан кушимча акциялар чиқариб акциядорлар уртасида жамият уставидаги улушларига мутаносиб равища жойлаштириш, колган таксимланмаган, жамиятнинг асосий фаолиятидан олинган 68 166 170 сумлик соф фойдасини 5%-3 408 308,20 (уч миллион турт юз саккиз минг учоз саккиз сум 20 тийин) суми жамият захира фондига, 25% қисми 17 041 542,5 сўми ишончли бошқарувчига мукофот тарикасида берилиши белгилаб, колган 47 716 319 (кирик етти миллион етти юз ўн олти минг уч юз ўн тўққиз) сўмни акциядорларга дивиденд сифатида беришга ажратиш (ёки жамиятнинг

650 000 дона ациясининг хар бирига 73 сум 40 тийиндан) дивиденд эълон килиш, дивидендларни конунда белгиланган тартибдада 60 кун ичида таркатиш борасида акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **олтинчи масала** бўйича сўзни жамият директори М.И.Исламов сўзга чиқиб, жамиятни 2021 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»си билан танишириди сўнг жамият бош бухгалтери Х.Олимовга сўзга чиқиб жамиятнинг 2021 йил “Даромадлар ва харажатлар смета”си режаси билан тўлик танишириб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб,

Маъруф Исламович Исламов ижро этувчи орган раҳбари лавозимида ишлаб келаётгани М.И.Исламов узини яхши раҳбар жамият ишини тугри ташкил этаётганлиги асосида директорининг меҳнат шартномаси муддатини узайтириш таклифини бердилар.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **саккизинчи масала** юзасидан мажлис раиси, жамият акциядорлари сони беш юздан кам бўлганлиги боис жамият низомига мувофиқ Кузатув кенгаши аъзолари 5 кишидан иборат бўлишигини, жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар билан бюллетенда номлари қайд этилган Кузатув кенгаши аъзоларига кумулятив тарзда овоз беришларини эътироф этиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **тўққизинчи масала** юзасидан сўзни мажлис раиси сўзга чиқиб, жамиятни 2020 йил учун Тафтиш комиссиясига куйидаги номзодлар Сайфутдинов Шухрат Хайрутдинович, Каримов Баходир Хайдарович Жамолов Бекзод Нуриддин ўгли номзодлари қўйилганлигини билдириб, тасдиқлаш таклифини бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўнинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Д.Шоназаров сўзга чиқиб Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари билан танишириб ўтди. Жамият 2020 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижалари бўйича **“AUDIT VARN”** аудиторлик ташкилоти томонидан текширилиб баҳолангандиги, хулоса натижаларига кўра корпоратив бошқаруви бўйича 9-йўналишда -235 “паст” баҳо берилганлиги, фоиз шкала -20 % ташкил этганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича, жорий йилда фоиз шкаласини кўтариш чораларини кўрилиши жамият ижроия органи томонидан таъминланиши шарти билан қабул қилинишини таклиф этиб, акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **ўн биринчи** масала юзасидан сўзни қимматли қоғозлар мутахассиси Д.Шоназаров сўзга чиқиб мажлис катнашчиларига жамият уставида Жойлаштирилган акцияларга қўшимча тартибда жамият умумий қиймати 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўмлик, номинал қиймати 1000 (бир минг ) сўм бўлган 50 000 000 (эллик миллион) дона оддий акцияларни чиқариш хукукини бериш таклифини берди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **ўн иккинчи** масала юзасидан сўзни қимматли қоғозлар мутахассиси Д.Шоназаров сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартағи ЎРҚ-531 -сонли конунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва

акциядорлар хукуқларини химоя қилиш түгристидаги Конуни"га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиклаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп микдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан аудиторлик текширувани ўтказилиши бўйича танлов эълон қилинганлигини ва шунга асосан қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтиб ўтди:

- |   |                   |
|---|-------------------|
| 1. «AUDIT VARN» МЧЖ                             | - 7 000 000 сўм,  |
| 2. «EXPERT AUDIT» аудиторлик жамияти            | - 12 000 000 сўм. |
| 3. «AUDIT - HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти | - 6 800 000 сўм.  |

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн учинчи** масала юзасидан сўзни қимматли қоғозлар мутахасси Д.Шоназаров сўзга чиқиб, жамиятнинг бугунги кундаги мавжуд устави маънан эскирганлиги, бугунги кунги талабга тулик жавоб берадиган масалалар киритилиб кайта ишанган уставнинг янги таҳрирда тасдиқлаш таклифини берди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини кайд этишларини сўради.

**Мажлис раиси** умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар күриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ хайъати томонидан аниқланғунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сұнг)

Кун тартибидаги барча масалаларини мұхокамаси тугагandan сүнг, мажлис мұхокамасига киритилған масалаларға овоз беріш натижалари бүйіча тайёрланған баённомани саноқ комиссия раиси Д.Шоназаров ўқиб эшиттириб, куйидаги натижалар қайд этилғанligини маълум қилды:

## Қарор қабул қилинди.

1. «Наврӯз дехқон бозори» АЖнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик хисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботлари тасдиқлансин (ёқлаган 625 539 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
2. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан «AUDIT VARN »МЧЖнинг 2021 йил 30 апрелдаги аудиторлик ижобий фикр хulosаси инобатга олинсин (ёқлаган 625 539 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2020 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хulosаси инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 625 539 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
4. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик хисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 625 539 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
5. Жамият томонидан 2020 йилда олган 7 154 095 минг сўмлик соф фойдасининг 7 085 928 266 сўми, яъни янги савдо дўконлари ижара хукуки сотувидан тушган маблағлар ҳисобига вужудга келган **мулк қўринишдаги** қисмини жамият устав фондини қўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишга йўналтирилсин (акциядорлар ўртасида уларнинг улушларига караб қўшимча чиқадиган акциялар бепул тақсимланади), колган таксимланмаган, жамиятнинг **асосий фаолиятидан олинган** 68 166 170 сумлик соф фойдасини 5%- 3 408 308,20 (уч миллион турт юз саккиз минг учюз саккиз сум 20 тийин) суми жамият заҳира фондига, 25% қисми 17 041 542,5 сўми ишончли бошқарувчига мукофот тариқасида берилиши белгилаб, колган 47 716 319 (кирик етти миллион етти юз ўн олти минг уч юз ўн тўқиз сўм 50 тийин) сўмни акциядорларга дивиденд сифатида беришга ажратиш (ёки жамиятнинг 650 000 дона ациясининг хар бирига 73 сум 40 тийиндан) дивиденд эълон килиш, дивидендларни конунда белгиланган тартибдада 60 кун ичida таркатилсин.
6. Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си хамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият директори (М.С.Исламов)га «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш, (ёқлаган 625 625 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ). Бугунги кунда мамлакатимизда давом этаётган коронавирус эпидемиясининг бозор тушумларига таъсирига караб, смета курсаткичлари узгариши инобатга олинсин.
7. Жамият директори Маъруф Исламович Исламовнинг меҳнат шартномаси, акциядорларнинг 2021 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йиғилишига қадар узайтирилсин (ёқлаган 625 625 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
8. **Жамият Кузатув Кенгashi аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан куйидагилар сайлансин:**

8.1 Сайдазимов Сайдакромхон Сайдазимхонович	625 625 - та овоз
8.2 Расулов Жавохир Мирзахалил ўғли	625 625- та овоз
8.3 Мухамедов Жамшид Абдусаттор ўғли	625 625- та овоз
8.4 Ганиев Дилмурод Иркинович	625 625- та овоз
8.5 Толипова Дилафруз Махмуджановна	625 625- та овоз
9. **Жамият Тафтиш комиссияси таркиби тасдиқлансин:**

9.1 Сайфутдинов Шуҳрат Хайрутдинович	625 625- та овоз
9.2 Каримов Боҳодир Хайдарович	625 625- та овоз
9.3 Жамолов Бекзод Нириддин угли	625 625- та овоз
10. Жамият « AUDIT VARN »аудиторлик ташкилоти томонидан 2020 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижаси -235 “паст” баҳо, фоиз шкала - 20 % баҳоси маълумот учун қабул қилинсин, келгусида берилган паст кўрсаткич натижаларини яхшилаш бўйича зарурий чоралар кўрилсин. (ёқлаган 625 625 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

11. Жамият уставида жойлаштирилган акцияларга қўшимча тартибда жамият умумий киймати 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўмлик, номинал киймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 50 000 000 (эллик миллион) дона оддий акцияларни чикариш хукуки берилсин. (ёклаган 625 625 та овоз – 100 %, карши – йўқ, бетараф – йўқ).
12. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “AUDIT - HISOB MARKAZI” А.Т тасдиклансан ва унга тўланадиган ҳакининг энг кўп чегараси 6 800.000 сўм миқдорида белгилансин. (ёклаган 625 625 та овоз – 100 %, карши – йўқ, бетараф – йўқ).
13. Жамиятнинг янги таҳирдаги устави тасдиклансан. (ёклаган 625 625 та овоз – 100 %, карши – йўқ, бетараф – йўқ).
14. Жамият бошкаруви мазкур карор ижросини конунда белгиланган тартиб ва вактларда таъминласин.

Баённома имзоланган сана: « \_\_\_\_ » июн 2021 йил

Мажлис раиси

С.С.Сайдазимов

Мажлис котиби

Д.Рахматова